

“Ер ҳисоби натижалари аниқлигини ошириш йўналишлари”

Хожиев Кучкор Мамадиёрович

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти,
“Методология” бўлими бошлиғи, қ.х.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Мақолада аналитик таҳлил ва монографик тадқиқот усулларига суянган ҳолда ер ҳисобини юритишда унинг натижалари аниқлиги ва ҳаққонийлиги ўта муҳимлиги, шунингдек, ер ҳисоби натижалари аниқлигини оширишнинг йўналишлари, жумладан, тузилаётган ер балансининг сифатини ошириш, унинг ҳаққонийлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: маъмурий-ҳудудий бирлик, шаҳарча, қишлоқ, овул, ердан фойдаланувчи, ер баланси, ер ҳисоби, ер майдонлари хатлови, ер фонди тоифалари, ер турлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

Кириш. Мамлакат аҳолисининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш талабларини доимий равишда оширади. Бу эса, ўз навбатида, ер майдонларига, улардан фойдаланишни оқилона ва самарали ташкил этишга, хусусан, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш заруриятини туғдиради. Мамлакатимизда бугунги кунда аҳоли жон бошига нисбатан суғориладиган ерлар майдони 0,11 гектарни ташкил этмоқда, 2040 йилга бориб бу кўрсаткич 0,08 гектарга тушуши тахмин қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаси бўлганлиги сабабли улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, ер майдонларининг миқдорий ҳисобини юритишни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Шу билан бирга, ер ҳисобини юритишда унинг натижаларига таъсир кўрсатадиган қатор салбий омилларнинг мавжудлиги ерларнинг миқдорий ҳисобини юритиш билан боғлиқ амалдаги ер ҳисоби натижалари аниқлигини ошириш йўналишлари қайта кўриб чиқишликни тақоза этади.

Тадқиқот методологияси. Ер ҳисобини юритишда унинг натижалари аниқлиги жуда муҳимдир, негаки ер ҳисобининг натижалари қанчалик аниқ бўлса, ундан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Ер майдонларининг миқдорий ҳисобини юритишда нафақат ер фонди тоифалари, балки ер турларига бўлиниши ҳам муҳимдир.

Таҳлил ва натижалар. Назарий манбаларни ўрганиш, ер ҳисобини юритиш бўйича мавжуд ишланмалар билан танишиш, уларни таҳлил қилиш бундай ишлар натижаларига салбий таъсир кўрсатадиган қатор омиллар мавжудлиги ер ҳисоби натижалари аниқлигини оширишнинг йўналишларини излаб топиш устида ишлашни кўрсатмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари - вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборатлиги кўрсатилишига қарамасдан бугунги кунда туманларнинг маъмурий чегараси белгиланган тартибда маъмурий-ҳудудий бирликларга, яъни туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар бўйича ҳудудларга тўлиқлигича бўлинмаганлиги ҳолати ер ҳисобини юритишда қўпол хаточилик келтириб чиқармоқда.

Кўпчилик ҳолатларда аниқланган ер қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш тизимининг такомиллаштирилмаганлиги ҳам ер ҳисобини юритишнинг натижаларига таъсир кўрсатадиган салбий омиллардан бири ҳисобланади. Жойларда содир этилган ёки содир этилаётган ер қонунбузулишлари оқибатида вужудга келган ҳолатларда мазкур ер қонунбузулиш ҳолатлари бартараф этилгунга қадар ер майдонларини миқдор жиҳатдан ҳисобга олишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлмоқда.

Шунингдек, ўтказилган хатлов натижаларини ер балансига олишнинг бугунги кунда тегишли тизимининг йўқлиги ер майдонларини миқдор жиҳатдан ҳисобга олишда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Янгидан ва (ёки) қайтадан ўзлаштирилган ер майдонларини қабул қилиш бўйича тегишли тизимнинг тўлиқ шаклланмаганлиги ер ҳисобини юритишнинг натижаларига салмоқли салбий таъсир кўрсатади.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкаларини жойида мутахассислар иштирокида кўрсатиб берилмаганлиги ҳам албатта ер ҳисобини юритиш натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Жойларда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, фермер хўжаликларига ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ер майдонлари кўпчилик ҳолатларда ер участкасининг натурада (жойнинг ўзида) чегараси белгилаб берилмаганлиги натижасида чегарадошлар ўртасида норозиликка олиб келиши бирга тегишли ваколатли органларнинг қарорлари билан ажратилган ер майдонларининг жойида ҳақиқий ўлчами қарордагига нисбатан кўп ёки кам чиқиш ҳолатлари ердан фойдаланувчиларда норозиликлар туғдирмоқда.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиши ҳам маълум маънода ер ҳисобини юритиш учун асос бўладиган ер турлари бўйича ноаниқларга сабаб бўлмоқда.

Республикамизда кўпроқ ҳолларда сув таъминотининг мавжуд эмаслиги, булок сувларининг қуриб қолиши, ирригация ва мелиорация объектларининг бузилиши ёки яроқсиз ҳолга келиб қолиши оқибатида, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилмаслиги сабабли қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилган ва бу жараёнлар давом этмоқда.

Тармоқли (линияли) объектларни қуриш учун вақтинча фойдаланишга ажратилган ер майдонларининг қурилиш якунлангач рекультивация қилинмаганлиги, сув ва шамол эрозияси оқибатида, шунингдек, кўп йиллик дарахтзорларни қирқиб олгандан сўнг тўнқаларини ўз вақтида йиғиштирилмаганлиги ёки мавжуд кўп йиллик дарахтзорларнинг қуриб қолиши ҳисога кўчат қалинлиги энг минимал даражага тушиши сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа турига ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилган.

Кўпчилик ҳолатларда қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибида ҳисобга олинаётганлиги ҳам ер фонди тоифалари бўйича ер балансини юритишда маълум муаммоларга олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 8-моддасида аҳоли пунктларининг ерлари - шаҳарлар ва

шахарчалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлардан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхоналарни барпо қилиш учун ажратилган ер майдонларининг барчасини суғориладиган экин ери сифатида ҳисобга олиш ҳам ер ҳисобини юритиш натижаларига таъсир кўрсатади. Амалдаги туман (шаҳар) ер балансида иссиқхоналар суғориладиган экин ерлар таркибида ҳисоби олиб борилади. Бироқ, иссиқхоналар, шу жумладан енгил типдаги иссиқхоналар учун ажратилган ерларда ёрдамчи иншоотлар қурилиши инобатга олинadиган бўлса табиийки, енгил типдаги иссиқхоналар ерларининг бир қисми камаяди.

Дарё соҳилларининг сел оқибатида ювилиб туриши ҳолатларининг мавжудлиги дарё соҳилларига чегарадош бўлган ерларни муҳофаза қилишда, шунингдек, ер ҳисобини юритишнинг натижалари бўйича ўз навбатида маълум муаммоларни вужудга келтиради. Шунингдек, ер ости сувларининг кескин кўтарилиши ҳам ер фонди тоифалари ва турларининг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Яйловларда ўтказилган геоботаник тадқиқотлар натижаларига кўра айрим ҳудудларда яйловларнинг деградациясига учраши ҳолатлари ҳам кузатилган.

Ер ҳисоби натижалари аниқлигини ошириш бўйича қуйидаги йўналишлар таклиф этилади:

- 1) амалдаги ерга оид қонунчилик ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали;
- 2) маъмурий-худудий бирликлари бўйича ер баланси (ҳисоботи)ни юритиш мажбурийлигини таъминлаш орқали;
- 3) ер баланси (ҳисоботи) шакллари ва жадвалларига ўзгартиришлар киритиш орқали;
- 4) ер балансини (ҳисоботи)ни юритишда замонавий дастурларни қўллаш орқали.

Умуман юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, маъмурий-худудий бирликлар бўйича ер баланси (ҳисоботи)ни тузишнинг мажбурийлигини таъминлаш, ер баланси (ҳисоботи) шаклларига зарурий ўзгартиришлар киритиш ва ер баланси (ҳисоботи)ни тузишда замонавий дастурларни қўллаш ёки қўлланилаётган дастурларни қисман бўлсада такомиллаштириш бундай баланс (ҳисобот)ни тузиш

услугиятларини бугунги кун талабларига жавоб берадиган тарзда яхшиланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ерларнинг миқдорий ҳисобини аниқ, ҳаққоний ва шаффоф юритишга имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг яйловлар тўғрисидаги Қонуни, 2019-йил 20-май, ЎРҚ-538.
3. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонуни, 2004-йил 26-август, 662-ИИ.
4. Ўзбекистон Республикасининг томорқа хўжалиги тўғрисидаги Қонуни, 2021-йил 1-апрел, ЎРҚ-681.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-июндаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-273-сон қарори.
7. Бабажанов А.Р., Садуллаев С.Н. Ҳолати бузилган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш ва қайта тиклашнинг муҳим ташкилий тадбири // «Агроиктисодиёт» илмий-амалий агроиктисодий журнал (Махсус сон). Тошкент, 2020. 122-124 б.
8. Хожиев.Қ.М. «Ерларнинг миқдорий ҳисобини юритишда ерларни хатловдан ўтказишнинг афзалликлари». // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инновацион журнали. Тошкент, «О'здаверлойиха» ДИЛИ, 2021 й. 3-сон. 83-89 б.